www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 10-may № 59 (2940) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Маҳият

Тарихий хотира — бу аввало ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ

Бу буюк Ватанда инсон улуғ, хотира — муқаддас

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун. Ана шу эзгу мақсад истиқлол йилларида ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгаллади, изчил ислоҳотларнинг, юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош йўналиши сифатида ҳамюртларимиз ҳаётида ўзининг мустаҳкам ифодасини топди. Зотан бугун Ўзбекистон инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати улуғланадиган буюк мустақил давлатга айланди.

Хотира ва қадрлаш — халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидан. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларга, жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуроний момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Бу жиҳатлар юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юртдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиромда янада яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун бутун халқимиз 9 май санасини — фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 66 йиллик байрамини кенг нишонламоқда. Бу қутлуғ сана билан аввалambor сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам фахрийларимизни, барча-барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий табриклайман, — деди Ислом Каримов.

Маълумки, 1999 йилдан 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз.

Хотира, қадр деган тушунчалар азал-азалдан эл-юртимизнинг тафаккури, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келади. Ўзини, ўз эл-юртининг ўтмишини, тарихини эсламайдиган, билмайдиган, ўз хотирасида сақламасдан яшайдиган одам боласини, онгли инсонни тасаввур қилиб бўлмайди.

Хотира деганда, барчамиз қонқонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғуни тушунамиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу одатга айланиб қолган.

Тарихий хотира — бу аввало ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир, деди давлатимиз раҳбари. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни сингдириш демакдир.

Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари эл-юртимиз хотирасида умрбод сақланади. Кўпни кўрган, жафокаш халқимиз бу урушда не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва суянчи бўлмиш қанча-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлган, деди Ислом Каримов.

Агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жангу жадалларда қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган Ғалабанинг қадр-қиммати нечоғли баланд экани, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани яққол аён бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса, талаб қилардим, деди Президентимиз.

Ишончим комил, бу мард ва жасур юртдошларимиз қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало фашизм балосини юртимиз остонасига йўлатмаслик учун, ўзининг ота-онаси, суюкли ёри, азиз фарзандлари, ёру дўстларини, эл-юртини ҳимоялаш, асраш учун жангга кирган, жон фидо қилган.

Шунинг учун ҳам бу даҳшатли уруш етказган оғир жароҳат, битмас яра бўлиб, ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Юртимизда бирон-бир оила, бирон-бир хонадон йўққи, кимидир бу урушда қатнашмаган бўлсин, бу уруш уларнинг бошига кулфат келтирмаган бўлсин. Бу мудҳиш қирғин туфайли қанча аскарлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, қанча аёллар бева, минглаб болалар етим бўлиб қолган.

Табиийки, ҳар бир оила жанг майдонларида қурбон бўлганларни, бедарак кетганларни, ўз аждодининг хотирасини қанча йиллар ўтса ҳам армон билан эслайди.

(Давоми 2-бетда)

Хушхабар

Юртимизда спортнинг барча турлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда жаҳон спорт ареналарида қўлга киритилаётган ғалабаларда касаба уюшма спортчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Спортчиларимиз яна шоҳсупада

Польшанинг Познань шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқич мусобақаларида 39 мамлакатдан келган кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашди. Каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича эркаклар ўртасидаги яккалик беллашувлари жаҳоннинг энг кучли каноэчиси — ўзбекистонлик Вадим Меньков ғалабаси билан якунланди. Ҳамюртимиз асосий рақобатчилари — германиялик олимпия чемпиони Себастьян Брендель ҳамда польшалик Томаш Качорни ортда қолдириб, олтин медал билан тақдирланди.

Вадим Меньков ва яна бир моҳир спортчимиз Мерей Медетов дуэти жуфтлик беллашувларида 500 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида кумуш медалга лойиқ топилди.

Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи кумуш медални тўртликлар ўртасида 1000 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида қўлга киритди. Моҳир спортчилар — Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Мерей Медетов ҳамда Мирзиёд Ҳожиевдан иборат жамоамиз белгиланган масофани иккинчи бўлиб босиб ўтди.

Бундан ташқари, Япониянинг Кавасаки шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган нуфузли халқаро мусобақада қисқа масофаларга югуришда кўплаб халқаро турнирлар ғолибаси Гўзал Хуббиева мухлису мутахассисларни яна хушнуд этди.

Тажрибали спортчимиз 100 метрга югуриш бўйича беллашувда 11,54 сония натижа билан маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медални қўлга киритди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Мавсумга тайёргарлик

Масъулият ва талабчанлик

Меҳнаткашларнинг фарзандларини ёзги таътилда соғломлаштириш ва мароқли дам олишларини ташкил қилиш оромгоҳ раҳбарларига катта масъулият юклайди ва ишга талабчанлик билан ёндашишни тақозо қилади. Йигирма бир йилдан буён оромгоҳга раҳбарлик қилиш асносида бунга кўп бор амин бўлганман. Иш фаолиятим ва тажрибамдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, қуйидаги бир қатор камчиликлар бартараф этилса, мавсум кўнгилдагидек ўтишига шубҳа йўқ.

Биринчидан, оромгоҳ фаолиятини яхши тушунадиган ва камида беш йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган педиатр-шифокор бўлгани айни муддаодир. Чунки, тиббиёт ходими оромгоҳни қабул қилиш ва очилишида фаол қатнашади. Болаларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг калориясини ҳисоблаб, кези келганда ўрнини босувчи ассортиментни инобатга олиши лозим бўлади. Шунингдек, тиббиёт ходими озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, тез бузиладиган маҳсулотларнинг сақланиш муддатини билиши; ишчи-хизматчиларнинг тиббий кўрикдан ўтишини, санитар-минимум ўқитилишини назорат қилиши; оромгоҳда ўтказиладиган дезинфекция, дезинсекция, деритизация чора-тадбирларини назорат қилиши жуда муҳим.

Ваҳоланки, оромгоҳга юборилган айрим педиатрларда юқорида кўрсатилган вазифаларга масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд.

Иккинчидан, ҳозирги кунда микроб ва вирусларнинг яшовчанлигини ҳисобга олган ҳолда дезинфекция, деритизация моддалари имконият даражасида марказлаштирилиб, оромгоҳларга тарқатилса яхши бўларди.

Сабаби, аксарият ҳолларда дезинфекция қилувчи моддаларнинг таркибидаги хлорнинг активлигини била олмаяпмиз. Шунингдек, ювувчи, зарарсизлантирувчи моддалар (кальцийланган сода, горчица кукуни, озиқ-овқат содаси, совунлар ва бошқалар) ҳам марказлаштирилиб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозир эса кўп ҳолларда ушбу моддаларни оромгоҳлар турли жойлардан турли нархда сотиб олишга (сифатини билмаган ҳолда) мажбур бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

«Инсонга наф келтириш — олий бахт»

республика танловига

Тоҳир Назаржонов — умумий меҳнат стажи 45 йил бўлиб, шунинг 24 йили касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ. Унинг бевосита раҳбарлигида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан республикада биринчилардан бўлиб «Ўзтелеком» ва «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компаниялари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акционерлик жамияти билан Тариф келишувлари имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилган. «Ёшлар йили» деб эълон қилинган 2008 йилда 94 та ёш оилага 72,6 млн. сўм фоизсиз ссудалар, 420 нафар талабага 195,8 млн. сўм контракт пули, 1101 та кам таъминланган ёш оилага 65,5 млн. сўм моддий ёрдам, бола парвариши таътилида бўлган 252 нафар аёлга ҳар ойда мамлакатда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам берилишига эришилган...

Одамни эзгулик улуғлайди

Республикамизда жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозининг олдини олиш ва бартараф этишга оид чора-тадбирлар доирасида 2009 йилда соҳа ходимларини иш билан таъминлаш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун Марказий кенгаш бюджетидан 26,5 млн. сўм ажратилди...

Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган хоналарни кичик спорт ва тренажёр залига айлантириш борасида иш берувчилар билан олиб борган музокаралари натижасида 28 та кичик спорт зали, 278 та стол тенниси учун заллар, 18 та тренажёр зали ва 48 та саломатлик комплекти ўрнатилишига эришилди ва улар 400 дан зиёд стол тенниси, 1033 та шашка, 868 та шахмат, 419 та бадминтон тўпламлари билан жиҳозланди...

— Тоҳир ака, сиз мустақилликкача ва мустақиллик йиллари қозонида қайнаган одамсиз. Умрингизнинг жуда катта қисми касаба уюшмалари билан боғлиқ. Айтинг-чи, бир-биридан мутлақо фарқланадиган даврлар кесишган жойда энг оммавий жамоат ташкилоти қандай эди-ю, ҳозир қандай?

— Бизда, одатда, бундай ҳолларда «от билан туячалик фарқ бор эди», дея мухтасар қилиб қўя қолинади. Чиндан-да, қиёслашнинг ўзи қандайдир ноўрин. Бу тақдир тақозосига кўра бир чорраҳада тўқнаш келиб, сўнг қарама-қарши томонларга юз кўрмас бўлиб кетган йўловчиларни эслатади.

(Давоми 2-3-бетларда)

Истеъмолчилар ҳуқуқи

Аҳоли билан юзма-юз

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят, туман (шаҳар)ларда турли тадбир, конференция, очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўқув-семинарлар уюштирилмоқда. Булар фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва «Адолат» социал-демократик партияси Марказий кенгаши ўртасида тузилган ҳамкорлик режасига биноан Хоразм вилоятида «Истеъмолчилар ҳуқуқлари — энг олий қадрият» деб номланган тадбир ўтказилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейида бўлиб ўтган мулоқотда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзуидаги маърузасининг мазмун-моҳияти юзасидан Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ахборот ва матбуот бўлими бошлиғи Жамшид Мақсудов маъруза қилди.

Шундан сўнг жамиятнинг ҳудудий бирлашма раиси Шокир-Бобожонов 2011 йилнинг биринчи чорагида вилоятда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишларга тўхталиб ўтди. Таъкидландики, ўтган уч ойда истеъмолчилар фойдасига 3 688 347 сўм ундириб берилди. Айниқса, Шовот, Қўшкўпир, Урганч ва Боғот туман жамиятлари фаоллик кўрсатишган.

(Давоми 3-бетда)

Ishonch
2011-yil 10-may № 59 (2940)

Бу буюк Ватанда инсон улуғ, хотира – муқаддас

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун пойтахтимизда, вилоят, шаҳар ва туман марказларида барпо этилган мана шундай гўзал Хотира майдонларида урушда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Бир сўз билан айтганда, хотира туйғусининг асл маъноси бугунги тинч-осуда, эркин ҳаётга биз осонликча эришмаганимизни, бу ёруғ кунлар осмондан тушмагани, қандай оғир машаққат билан қўлга киритилганини доимо эслатишни ифода этади.

Бугунги айёмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир-биримизни, аввалambор, сафимизда тетик бўлиб юрган уруш қатнашчиларини қадрлаб, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 600 дан ортиқ уруш қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам фахрийларимизнинг ҳаётини мазмунли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун, аввалambор, раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак, деди Юртбошимиз.

Хотира ва қадрлаш маросимининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у барчамизни бугунги нотинч ва таҳликали дунёда доимо сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинч-осойишта ҳаётимизнинг, мусафо осмонимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Шу маънода, дунёнинг айрим мамлакатларида бугун қандай низо ва қарама-қаршиликлар пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз даркор. Мисол учун, мана ён қўшнимиз — Афғонистонда 30 йилдан буён уруш давом этмоқда.

Биз бундай нотинчликлардан тегишли хулосалар чиқаришимиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимизнинг энг катта бойлиги — бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳақида гапирганда, бу йўлда бизнинг таянчимиз, суянчимиз бўлган ёшларни миллий ғоямиз руҳида, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш — ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашганимда, куни кеча у ерда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларини телевидение орқали кузатганда кўпчилик қатори мен ҳам кўзлари ёниб, ғайрат-шижоатга тўлиб турган навқирон ўғил-қизларимизга боқиб, катта ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис этдим, деди давлатимиз раҳбари.

Энг замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиш, ўз қадр-қимматини англаш, ҳеч кимдан кам бўлмасликка, маррани баланд қўйиб яшашга интилиш фарзандларимизнинг ички дунёсига тобора сингиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, барча уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклайман. Барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман, деди Ислом Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу куни анвойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, фарзандларининг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

***

Президентимиз Ислом Каримов шу куни пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилаётган ушбу бино архитектуравий муҳандислик ечимига кўра ноёб иншоотдир.

— Ушбу иншоот бугунги ва келажак авлодларга хизмат қиладиган даражада мустаҳкам ва муҳташам бўлмоғи зарур, — деди Юртбошимиз.

(ЎзА)
Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган сурат

Масъулият ва талабчанлик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугина эмас, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозларни, шунингдек, электр жиҳозлар ва совутгичларни таъмирлашни ҳам марказлаштириш лозим.

Энди бевосита оромгоҳларда фаолият юритадиган ходимларга келадиган бўлсак, аввало ёз мавсумида санитария-эпидемиология назорати томонидан дезинфектор ва лаборант юборилса, болаларнинг бехавотир ва соғлом ҳордиқ чиқаришини таъминлаган бўламиз. Ишга юбориладиган педагог-ходимлар ҳам оромгоҳ жойлашган ҳудуд ён-атрофидан бўлиб, уларнинг ойлик маоши асосий иш жойида сақланса, ишга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарарди. Шунингдек, етакчи вазифасига юбориладиган талабалар ўқитилиб, тиббий кўрикдан ўтказилиши ва оромгоҳда ишлаш жуда-жуда масъулиятли иш эканини ҳис қилиши катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, оромгоҳга юборилган ички ишлар ходими буйруқ билан келган ҳолда оромгоҳ бошлиғига бўйсуниши лозим.

Албатта, ушбу таклиф ва фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниб, амалда қўлланилса, оромгоҳдаги ишлар янада яхши йўлга қўйиларди. Дарвоқе, оромгоҳимиз ҳақида гап кетганда, 2000 йилда фермер хўжалигини ташкил этганимиз фаолиятимизда катта наф бермоқда. Хўжаликдан тушган маблағга оромгоҳнинг моддий-техник сифатли базаси мустаҳкамланаётган бўлса, у ерда етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари, мевалар, сут ва гўшт маҳсулотлари коримизга ярамоқда.

Хосият ТУРҒУНБОЕВА,
Ўрта Чирчиқ тумани «Меҳржон» болалар оромгоҳи бошлиғи

Хотира — муқаддас,

— Вилоят касаба уюшмалари тизимини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган ҳамкасбларимиздан бири Жаббор Суюнов эди, – дейди Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсонбой Ражабов. — У фазилати, меҳнат фаолияти билан касаба уюшма фаоллари орасида катта из қолдирган раҳбарлардан эди. Вафотига қарийб йигирма йил бўлганига қарамай Жаббор ака билан боғлиқ воқеалар кечагидай эсимда. Самарали меҳнат қилган, одамларга эзгулик улашган ибратли умр соҳиблари ҳамиша эҳтиром билан эсланади. Жаббор Суюнов ана шундай эъзозга лойиқ инсонлардан эди.

Мазмунли умр

Қарши шаҳрининг жанубий-ғарбий биқинида жойлашган Ҳилол қишлоғида туғилиб ўсган Жаббор ака илм олишни ҳаётининг мазмуни деб билди. У дастлаб Бухоро педагогика билим юртида таҳсил олиб қайтгач, қишлоқ мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан ёшларга сабоқ бера бошлади. Мактабга директорлик қилди. 1942 йилда эса урушга отланди.

Ж. Суюнов фронтда 291-алоҳида ўқчи батальонида пулемётчи бўлиб хизмат қилди. Елкасида оғир юк, қалбида юрт, ота-она соғинчи билан узоқ ва даҳшатли жанг йўлини босиб ўтди. Ғалабадан сўнг япон милитаристлари билан бўлган жангларда ҳам иштирок этиб, 1945 йилнинг сентябрида Ўзбекистонга қайтди. Қишлоғига қайтгач, машъум уруш ҳамкишлоқлари турмушида, тақдирида нақадар оғриқли асоратлар қолдирганини, уруш азоблари ҳар бир хонадонда очарчилик кўринишида давом этаётганининг гувоҳи бўлди. Фронтчи йигит одамларнинг оғирини енгил қилишга интилди. Шароит оғир бўлишига қарамасдан қишлоқ мактабида севимли касбини давом эттирди. Юпун кийинган, лекин илмга иштиёқи баланд ёшларга таълим-тарбия бериш учун бор қобилиятини ишга солди. Ўша йиллари Қарши педагогика институтида ўқиб, олий маълумотли бўлди.

Тажрибали муаллим сифатида тилга тушган Ж. Суюновни Қарши тумани халқ таълими бўлими (ўша пайтдаги халқ маорифи бўлими) мудирлигига тайинлашди. У ўн бир йил мазкур лавозимда ғайрат билан ишлади. Туманда соҳани ривожлантиришга, чекка қишлоқларда таълим шохобчаларини барпо этилишига, малакали кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Шу даврда Самарқанд давлат университетида сиртдан ўқиб, имтиёзли диплом билан тугаллади.

Жаббор ака юрт келажагига билимли ёшлар эгалик қилишини, уларнинг истиқболи учун эса асосий пойдевор мактабда қўйилишини чуқур ҳис этарди. Шу боис таълим-тарбияга қаттиққўл муносабатда бўлар, масъулиятсизликни кечирмас эди. Оғир кунлар ортда қолиб, ҳаёт изга туша бошлади. Қаҳрамонимиз Муҳаррам исмли, тарбияли оиланинг фарзанди билан турмуш қурди. Муҳаррам заҳматкаш турмуш ўртоғининг ташвишларига елкадош бўлди.

Ж. Суюнов 1955-1965 йиллар туман партия қўмитасининг ташкилий ишлар бўлимини бошқарди. Ўша йиллари катта ҳудудга эга бўлган Қарши тумани халқ хўжалигининг ривожида, кадрлар таркибини шакллантиришда унинг ҳам муносиб улуши бор. Ўтган асрнинг 66-йили қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашида иш бошлаган Ж. Суюнов катта тажриба тўплаган кадрлардан эди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши энг кўп аъзони жипслаштирган тармоқ бўлгани сабабли бу ерга раҳбарликка тавсия этиладиган номзоднинг инсоний сифати, одамлар билан ишлай олиш қобилияти алоҳида ҳисобга олинарди. Жаббор акада эса ана шундай сифатлар жамулжам эди. У қўмита раиси, раис ўринбосари, «секретар» (раисдан кейинги раҳбар ҳисобланарди) лавозимларида ишлаган йилларда вилоятда касаба уюшмалари тизимини ривожлантиришга, ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишига, ижтимоий қўллаб-қувватланишига бошқош бўлди.

Жаббор ака хўжаликлардаги аҳвол, амалга оширилаётган ишларни ўз кўзи билан кўриш мақсадида корхоналарда, ишчи-хизматчилар орасида тез-тез бўлар, топшириқларнинг вақтида бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилар, қўл остидагилардан ҳам шундай масъулият билан ишлашни талаб этарди.

Ушбу сатрларни қоғозга тушириш жараёнида касаба уюшмалари фахрийси, марҳум Ж. Суюновнинг шогирдлари, ҳамкасблари билан суҳбатлашдик. Суҳбат жараёнидаги фикрлар қаҳрамонимизнинг фаолияти ва ҳаёт йўлини янада ёрқинроқ тасаввур этиш имконини берди.

Суюн Бекназаров, касаба уюшма фахрийси:

— Инсон сифатида Жаббор акадан (Аллоҳ раҳмат қилсин) кўп нарсани ўрганганмиз. У ҳужжатларни ўзбек ва рус тилларида жуда саводли тайёрлар, бирор киши унга ўзгартириш, тузатиш киритишга ботина олмасди. Унинг камтарлиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш керак. Ҳар бир жамоада меҳнат ҳашарлари, қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этиш каби тадбирлар ҳамиша бўлиб келган. Жаббор аканинг ёши улуғлиги, жамоадаги ҳурмати учун жамоат ишларида иштирок этишни ҳеч ким талаб қилмасди. Лекин у албатта биз билан далага борар, ишловчиларнинг кайфиятини кўтариб, яхши ишлашга ундарди. Яна бир ажойиб фазилати: давраларга файз киритарди. Айниқса, мумтоз санъатимиз намуналаридан «Ушшоқ», «Қаро кўзим», «Муножот», гали келганда фронтчи-жангчи сифатида грузинча «Шуликаме», русча «Катюша» ашулаларини яйраб куйларди. Шу боис байрам тадбирлари Жаббор Суюновсиз татимасди.

Жамшид Самадов, «Ўзгеобурнефтгаз» акционерлик компанияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари:

— Элга хизмати синган, ҳаётда яхши ном қолдирган бобом Жаббор Суюнов билан фахрланаман. Давраларда, иш жараёнида ҳамкасблари, шогирдлари бобомни кўп эслаб туришади. У кишининг ишини давом эттириб, касаба уюшмалари соҳасида ишлаётганимдан ғурурланаман.

Дарҳақиқат, ибратли умри давомида ўзига хос мактаб яратган Ж.Суюнов ота сифатида ҳам яхши ном қолдирди. Турмуш ўртоғи Муҳаррам ая билан Адолат, Гулчеҳра, Абдуфаттоҳ, Ғайратжон, Машҳура, Ҳуснобод каби фарзандларни тарбиялаб вояга етказишди. Бугун улар вилоятимиздаги турли соҳаларда ишлаб, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишмоқда.

Исмат ОЧИЛОВ,
Қашқадарё вилояти

Қиз боланинг онасига ўхшашга ҳаракат қилишини биламиз ва бунга кўникканмиз ҳам. Аммо мен жуда ёшлигимдан отамга ўхшашни хоҳлар, тиришар эдим. У киши каби спорт билан шуғулланишга, кучли, қатъиятли, бир сўзли бўлишга интилардим.

Муаллимларимнинг «юз-кўзларинг дадангнинг ўзгинаси, отангга тортибсан», деганларида суюнганим ёдимда. Мен қиз бола бўлишдан кўра, ўғил фарзанд бўлишни, дадажонимнинг армонларини аритишни бола кўнглим билан хоҳлардим... Дадамнинг биргина мақтовини тинглаш, ютуқларимдан қувонишини кўришни энг олий бахтим деб ҳисоблардим. Шеър ёзишимни билгач, қизлари шоира бўлишини орзулаб, ҳар гал машқларимни ўқиб берганимда кўзларига ёш оларди. Ўшанда ёшлик фикрим билан кучли отамнинг не сабабдан йиғлаганларини тушунмагандим. Шеърларим чиққан газеталарни 2-3 тадан олиб, «Мен сени қизим эмас, ўғлим деганман, сени олима қиламан», деб Тошкентга олиб келганди.

Кўнгил чизгилари

Болалигимдан отамга эргашдим. Ўшандаёқ ўғил бўлиш истаги онгимда ҳукмрон эди. Отам ҳам мени: ўғлим, Озод ўғлим, дерди. Ошналарига ҳам ҳозир ўғлимни чақираман, деб мени йўқларди. Фарзандлар ҳақида сўз кетганда ҳам, «мени 3 та ўғлим, 3 та қизим бор» дерди.

Кичиклигимдан эргаштириб бобом ҳамда амакиларим ётган қабристонга олиб борарди...

Бугунгидек баҳорнинг сўнгги ойида, қуёш тафти қизиган, ёмғирлар ёши тинган палла. Эрта баҳорда ям-яшил бўлиб қабр уюмини қучоқлаган зангор майсалар сарғайган. Отам менга ана шу чўпга айланган ўтларни юлишни, қабр атрофларини тозалашни, зиёратга келганда гуллар олиб келишни жуда ёшлигимдан ўргатганди. Биргалашиб узоқ дуо ўқир эдик. Менга яна қабристонда кулмасликни, ерни қаттиқ босмасликни уқтирарди...

Бу йил яна баҳор, яна қабр зиёрати... Энди отамсиз бораман. Отажоним ўргатган амалларни танҳо бажараман. Отажонимга сабр тилайман, гуллар қўяман, дуолар ўқийман, дилимдагилар шеър бўлиб қоғозга қуйилади:

Ўксинмаган уч қиз битди умримга деб,
Армон қилмас, уй қурмадим ўғлимга деб,
Пичинг гаплар ботмас ҳатто кўнглимга деб
Кўнглимизни кўтаргувчи полвоним отам,
Қизларининг парвонаси, осмоним отам...

Озода САРАФРОЗ

Одамни эзгулик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки улар мазмун-моҳиятан бошқа-бошқа тушунчаларни ўзида мужассам этган бўлиб, баҳо беришда ана шу жиҳатларни эътибордан қочирмаслик лозим бўлади.

Авваллари касаба уюшма фаолияти, бошқа соҳаларда бўлгани каби, ипидан-игнасигача марказдан бошқарилар ва минг турли меъёрлар билан чегараланганди. Ташаббусга ўрин йўқ, маҳаллий вазиятдан келиб чиқиб бирон-бир масалани ўртага ташлашнинг ўзи бесамар сарсон-саргардонликни елкага ортиб олиш билан тенг эди.

Нафақат молиявий масалада, штат жадвалида ҳам марказнинг чизиғидан чиқиб бўлмасди. Бир сўз билан айтганда, фаолиятнинг ибтидосидан интиҳосига қадар ижрочиликдан иборат эди.

Мустақиллик тушовлардан халос этди, тўлиқ эмин-эркинликка эришилди. Хоҳ у молиявий, хоҳ хўжалик фаолияти бўлсин, мустақил бошқариш, тақсимлаш мумкин бўлиб қолди. Бунда, шак-шубҳасиз, Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Хўжалик раҳбарлари билан бевосита ишлаш, касаба уюшма аъзолари талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай мураккаб масалани ҳал қилиш имконияти туғилди. Натижада бизни кўпдан бери ўйлантираётган бир қатор масалалар, меҳнат билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва давр талабига кўра такомиллаштириб бориш, хуллас, маҳаллий шарт-шароитга монанд-мос равишда ёндашиш ва барча муаммоларни жойида ҳал этиш учун кенг ҳаракат майдони юзага келди. Ва бу, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, аъзолик афзаллигини исботлашнинг амалдаги намойиши сифатида одамлар қалбидан жой олди.

— Касаба уюшма ташкилотида иш бошлаган илк кунларингизни эслай оласизми? У дастлаб қандай ҳис-туйғулар уйғотган эди? Буни сўраётганимизнинг боиси, кейинги пайтда соҳада ишлаш хоҳишини билдирган ёшлар анчагина кўпайиб қолди.

— Яширмайман, касаба уюшма етакчиси бўлиб сайланганимда иккиланганлигим рост. Гарчанд бунгача беш ярим минг ходим ишлайдиган корхонага раҳбарлик қилган бўлсам ҳам. Наинки, одамларнинг яхши-ёмон кунларини ўзингники билиб, шунга яраша йўл-йўриқ танлашнинг ўзи эмас. Мен сизга айтсам, масъулият жуда катта, чунки ҳар бир аъзо пешона тери билан топган маблағидан бадал тўлаб, ўзининг қонуний ҳуқуқлари мунтазам ҳимояланишини истайди. Бу вазифани бажариш учун етарли даражада ҳаётий тажриба, ҳуқуқий билим, энг асосийси, масъулият ҳисси зарур.

Менинг бахтим шунда эдики, зиммамга юкланган вазифани бажаришимда меҳрибон ва айни вақтда талабчан устозларим Содиқ Исломов, Анатолий Браилов кабилар билмаганимни билдириб, кўрмаганимни кўрсатиб менда ўзимга бўлган ишончни мустаҳкамлашди.

Аввалари бу гаплар қандайдир ножоиз эди, аммо ҳозир айтишим мумкин — мен ҳамиша-ҳамрўз касаба уюшма аъзолари олдида юзим ёруғ бўлишини истаганман, шунга қараб қадам босганман.

Айтмоқчиманки, етакчи бўлиб сайланган ёшлар энг аввало ўз имкониятларини чамалаб, сўнг бир ишга қўл урганлари маъқул. Чунки масъулиятни ҳис этган одамга чалакам-чатти қарорлар қабул қилиш мутлақо ёт бўлиб, соҳа масъулиятини дилдан ҳис этган ёшларни қўллаб-қувватлашга эса доим тайёрман. Лоқайдлик ва ўзибўларчиликлардан худонинг ўзи асрасин.

— Бир суҳбатимизда байрамлар ва йирик саналарда фахрийлар Марказий кенгаш томонидан ишлаб турганлар қатори рағбатлантирилаётганлигини гапиргандингиз. Агар сир бўлмаса, ўзингиз ҳам ушбу имтиёздан фойдаланяпсизми?

— Шу ўринда бир нарсани айтишим керак. Алоқа ходимлари касаба уюшмаси фахрийларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларига бир йилда энг кам иш ҳақининг тўрт бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам бериш масаласини киритишга эришди.

Аслида гап пулда ҳам эмас. Инсон учун энг муҳими, бу — эътибор. Фаолиятим мобайнида бир қанча мамлакатларда бўлганман. Айниқса, Японияда фахрийларга иззат-икром намунаси менда катта таассурот қолдирган. Фикр фикрга йўл очади, деганлари рост экан. Хизмат сафаридан сўнг иш кабинетимда менгача ишлаб кетган раисларнинг портретларини деворга илиб қўйиш фикри туғилди.

Афсуски, биринчи раисимиз вафот этиб кетган эканлар. Фарзандлари тутқазган суратни қабул қилиб олдим-у, у кишининг муовинлари ҳаёт эканлигини эшитиб, уйларини тақиллатиб бордим. Бир эркак эшикни очди. Турмуш ўртоғи экан. Аёллари кўпдан бери ўриндан қимирламай бемор ётганлигини, иложи бўлса, безовта қилмасликни сўради. Қаердан эканлигимизни айтдик. Кирдик. Олиб борган совға-саломларимизни бердик, тузалиб кетишига тилаклар билдирдик.

Энг қизиғи, кейинги гал қайсидир байрам билан табриклаб борганимизда, хатто эрини хайратга солиб, бизнинг ёрдамимизда қийналиб бўлса-да, стулга жойлашиб олди. Учинчи сафар биз билан бир дастурхон атрофида ўтирди. Ўшанда у айтган гап ҳеч эсимдан чиқмайди: мени сизлар, сизларнинг меҳр-оқибатингиз оёққа турғазди.

Қарангки, шу аёл бора-бора турли тадбирларда қатнашиш учун Марказий кенгашга ўзи юриб келадиган бўлди...

Шунга ўхшаш воқеаларни ўйласам, одамни эзгулик улуғлайди, деган ҳикмат ёдимга тушади.

Мана куни кеча ўзим гувоҳи бўлган воқеа. 80 ёшга кирган опамни табриклаб уйларига бордим. Барча қариндош-уруғ, фарзандлар, набира ва абиралар шу ерда. Қўлларида бир вақтлар ишлаган жойларидан юборилган қутлов телеграммаси, кўзларида севинчдан ёш милтираб турибди.

Опам Тошкент телеграф-телефон станциясида узоқ йиллар ишлаган эди. Ушбу ташкилотда корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Фахрийлар кенгаши тузилиб, хўжалик ҳисобидан ишдан озод этилган

Қадр — абадий

Фидойи устоз эди

Қурувчи, моҳир спортчи. Бу сифатлар айтилганда жиззахликларнинг кўз ўнгида беихтиёр ажойиб инсон Хайрулла ака Абдураҳмонов сиймоси гавдаланади. Оққўрғон маҳалласида таваллуд топган устоз ҳозирги Тошкент Давлат техника университетини тамомлаб, бутун умрини бунёдкорлик ишларига бағишлади.

Оддий усталикдан кўчма колонна раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтган Х.Абдураҳмонов бугун Жиззах шаҳри жамолига кўрк бўлиб турган маданий-маъмурий, турар-жой бинолари қурилишида фаол ташкилотчи, қўли гул бунёдкор сифатида иштирок этди.

Бунёдкорлик ишларини спорт билан уйғунликда олиб борган устоз вилоятимизда дзю-до ривожига катта ҳисса қўшди. Спорт устасининг Дилмурод Носиров, Жаҳонгир Ашуров, Шаҳодат Супихонова сингари ўнлаб шогирдлари вилоят довруғини нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон ареналарида таратишга астойдил бел боғлашган.

Устознинг қизи — Ирода Абдураҳмонова етти карра Ўзбекистон чемпиони. У 2010 йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ҳозирда Жиззах Давлат педагогика институти учинчи курс талабаси. Барчамиз у билан фахрланамиз.

Ўн уч ёшимда илк бор татамига чиққанимда Хайрулла аканинг оталарча ғамхўрлиги, спортни жон-дилдан севиши, шогирдларига бўлган самимий меҳрини мурғак қалбим билан илғаганман.

Унинг тавсияси ва бевосита раҳнамолигида Республика Олимпия захиралари коллежида ўқидим. Ҳозиргача спортда эришган барча ютуқларим у кишининг заҳматли меҳнати, қимматли ўгитлари самараси деб биламан.

Ҳар йили вилоятимизда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан Х.Абдураҳмонов хотирасига бағишлаб турнир ўтказилади. Спортнинг дзю-до тури йил сайин воҳамизда ривож топиб, шуғулланувчилар сафи кенгайиб бораётганини айтмайсизми! Демак, устознинг орзулари муносиб шогирдлар тимсолида рўёбга чиқмоқда...

Ирода МАТМУРОДОВА,
Жиззах Давлат педагогика институти талабаси, дзю-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, вилоят касаба уюшма спорти клуби аъзоси



Аҳоли билан юзма-юз

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Хайитбоев ҳамда «Адолат» СДП вилоят кенгаши раиси Нурмат Эшметов истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлади. Шунингдек, газ, сув, электр таъминоти ва иссиқлик манбаи идоралари мутахассислари йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

«Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шарифбой Раҳимовнинг газ ҳисоблагич ускунаси ва унинг синов муддати, корхона билан истеъмолчи ўртасида тузилган шартноманинг афзаллик томонлари ҳақидаги маълумотлари барчада қизиқиш уйғотди. Жумладан, у бугунги кунда ушбу корхона томонидан 200 минг хонадонга табиий газ етказиб берилаётгани, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологиялар жорий этилиб, қолганлари қайта реконструкция қилинаётганини гапириб ўтди. Аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган камчиликлар ҳам борлиги тадбирда рўйи-рост айтилди. Баъзи жойларда газ босимининг пастлиги ёки ортиқча қарздорлик хусусидаги муаммолар билан боғлиқ ҳолатлар таъкидлаб ўтилдики, олиб борилган бир қанча рейдларда назорат ўтказилганига қарамай баъзи фуқаро ва сохта «тадбиркор»ларнинг ушбу бебаҳо неъматдан ноқонуний фойдаланаётганликлари учраб турибди.

Ҳаётимизда истеъмол жараёнида турли муаммолар содир бўлиши табиий, албатта. Халқимиз эса турли сабаблар билан аҳдишага бориб ёки юз-хотирчилик қилиб бу ҳақда гапиришга одатланмаган. Аслида бу, биринчидан, кўнгилхираликка, асаббузарликка сабаб бўлса, иккинчидан, сарфлаган пулингизга куйиб қоласиз. Шу сабабдан ҳар бир киши ҳуқуқий жиҳатдан қонун-қоидаларни билгани ва бундай ҳолатга тушмагани маъқул, албатта.

Умида МАНСУРОВА

Қаюм отанинг шогирдлари

унинг ўз ўғиллари, набиралари...

Юртимизда ўз соҳасида узоқ йиллар ишлаб, сулола яратган фидойи инсонлар бисёр. Улар эндиликда меҳнат фахрийлари бўлишса ҳам, соҳанинг қайноқ ҳаёти ва бугунги улкан ютуқларидан қувониб яшашади, тез-тез ўз корхоналарига бориб, шогирдлари билан қизғин мулоқотда бўлишади.

Яқинда қутлуғ ёшини қарши олган Қаюм ота Рашидов ҳам темир йўлда сулола яратган табаррук инсонлардан.

— 1969 йилнинг баҳори эди, — дея эслайди Қаюм ота. — Бир куни Самарқанд вагон депосида ишчилар олиш тўғрисидаги хабарни эшитиб қолдим. Бунинг учун атайин Тошкентдан вакил келибди. Бу ишга кирганларга йилда бир марта маҳаллий ҳамда узоққа қатновчи поездларга бепул чипта, иш кийими, қишга кўмир берилар экан. Маоши ҳам дуруст. Поездларда юриб олам кезишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор ахир!

Вакилга учрашдим. Ҳужжатларимни кўрди, анча суҳбатлашгач, Тошкентга йўлланма ёзиб берди. Бориб докторлардан ўтиб, ишга кирдим.



Дастлаб «Тошкент-Душанбе» поездида юрдим. Янги келганларни тажрибали йўл кузатувчиларга қўшиб беришар эди. Ҳарбий хизматни ўтаганим, зобитлигимни ҳисобга олишиб, ўзимга алоҳида вагон ва битта ёрдамчи йигит беришди. Шундай қилиб, темирйўлчи бўлдим.

Қаюм Рашидовнинг йил сайин тажрибаси ортди, раҳбарият эътиборига тушди. Уни бригадирлар тайёрлаш курсига ўқишга юборишди.

— Бригадирликнинг ҳам ўзига яраша мураккаб томонлари бор: поезддаги барча йўловчиларни ўз манзилига тинч ва осойишта етиб бориши, йўл кузатувчилар ишининг назорати, ҳаракат хавфсизлиги, вагонлардаги техник ва бошқа жиҳозларнинг соз ҳолда ишлаши унинг зиммасида бўлади, — дейди отахон ўша даврларни эслаб.

1973-76 йилларда Самарқанд темир йўл билим юртида сиртдан ўқиди. Битиргач, тафтишчилик соҳасига ишга ўтиб, бу ишда ўттиз йилга яқин ишлади.

Темирйўлнинг турли соҳаларида сидқидилдан қилинган меҳнат унга обрў келтирди. 2000 йилда Қаюм Рашидов самарали меҳнатлари учун компания раҳбарияти томонидан барча темирйўлчилар орзу қиладиган «Фахрий темирйўлчи» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Унинг 6 нафар ўғли бор. Каттаси Комилжон ҳуқуқшунос бўлди, фан доктори. Қолган беш нафарининг барчаси ота касби темирйўлчиликни танлади. Одилжон — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК компания статистика бошқармасида бошлиқ ўринбосари, Жамол — Бухоро вокзали бошлиғи, Шароф — Самарқанд темирйўл транспорти касб-ҳунар коллежида раҳбар, Аъзамат ҳам темирйўлчи. Жамбул (Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин!) ҳам темирйўлчи эди.

Отахоннинг 16 набирасидан учтаси темирйўл институти ва коллежида талаба. Демакки, Қаюм Рашидов бошлаб берган сулола давом этмоқда.

Қаюм ота нафақага чиққач ҳам тинч ўтирмади, ўзи яшайдиган «Беклар» маҳалласидаги маҳалла фуқаролар йиғинида тарбиячи, кейинчалик раис бўлиб беш йилдан ортиқ ишлади.

Оилада темирйўлчилар сулоласининг камол топишида отахоннинг рафиқаси шаҳардаги тиббиёт муассасаларида ўттиз йилдан ортиқ меҳнат қилган Гулчеҳра аянинг ҳам ҳиссаси катта.

— Гоҳида поездда Самарқанддан ўтсак, уйга киролмасдик. Гулчеҳра аянгиз мен учун эринмай вокзалга овқат олиб чиқарди. Шунинг учун ҳамкасблари «Қойил! Олти ўғилни тарбиялаб, яна эрингизни кутгани вокзалга чиқасиз-а», дейишарди ҳазил қилиб. Ажойиб аёл эди... — деб маҳзун ўйга чўмди отахон. — Ҳозирда оиламизда яна бир Гулчеҳра қиз катта бўляпти. Исми бувисининг шарафига қўйилган...

Адҳам ДАМИНОВ.
Алимурод МАМАДАМИНОВ олган сурат

Жамият кўмаклашгач...

Сутли кокаин шоколадларини болалар севиб истеъмол қилишади. Самарқанд шаҳар, Регистон кўчаси 5-уй, 11-хонадонда яшовчи Гулчеҳра Абдуғаффорова Сиёб деҳқон бозори ҳудудида жойлашган «Шодиёна» савдо мажмуасидаги 231-сонли дўкондан ушбу шоколад маҳсулотини харид қилган. Уни истеъмол қилган неварасининг бирдан соғлиғи ёмонлашиб қолди.

Якка тартибдаги «Раҳматов Фарҳод Маҳмуджонович»га тегишли дўконда сотилган шоколад Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани А. Темур кўчаси 60-а уйда жойлашган масъулияти чекланган жамият томонидан 2009 йил 9 октябрда ишлаб чиқарилган. Унинг яроқлилик муддати 2010 йил 10 октябргача бўлиб, сақлаш муддати 4 ой олдин ўтиб кетганига қарамай, қонунга зид равишда сотилаётган экан. Г. Абдуғаффорова Самарқанд шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилгандан кейингина бу нарса маълум бўлди.

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 6, 10 ва 27-моддалари бузилганлиги учун Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш учун маълумотнома юборилган.

Камчиликлар бартараф этилди

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман жамиятида Гулобод мавзеси 27-уйда яшовчилар номидан Дилафрўз Саломованинг куюнчаклик билан ёзган аризаси кўриб чиқилди.

Унда, жумладан, бундай дейилганди: «Биз яшаётган уйнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Бу ҳақда бир неча маротаба ширкат хўжалигига мурожаат қилдик, лекин ҳеч қандай натижа бўлмаяпти. Гап шундаки, уйимиз ертўласидаги канализация ва бошқа қувурлар эскирганидан ёрилиб, оқава сувининг бадбўй ҳиди ҳаммаёққа тарқалиб кетмоқда. Шахта қувурларидан сув оқаверганидан подъездларнинг девор ва шифтларидаги бўёқлари кўчиб, ҳамма жойи таъмирталаб бўлиб қолди. Натижада, уйларимизда чивин, пашша ва суваракlар, ҳатто сичқонлар ҳам пайдо бўлди. Буларнинг барчаси турли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келишини барчамиз яхши биламиз. Бу ҳолат биринчи қаватда жойлашган хонадонларга ўз салбий таъсирини кўрсатаётганидан қариялар ва ёш болалар қийналиб кетишди. Биз коммунал хизматлари ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келаяпмиз. Сув босган ертўлаларимиздаги чириган қувурларни алмаштириш масаласида бизга ким ёрдам беради?.. Ахир ширкат хўжалигига қатнайвериб чарчадик-ку!..»

Ушбу мурожаат бўйича туман жамияти ходимлари мазкур уйда бўлиб аҳоли билан учрашди. Ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам аризада кўрсатилган уйнинг ертўласи ёмон ҳолатда экани, биринчи қаватдаги хонадонлар умуман яроқсиз аҳволга келгани маълум бўлди. Жамият ходимлари кўмаклашуви билан «Гулчеҳра коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан барча камчиликлар бартараф этилди ва зинапоя майдончалари таъмирдан чиқарилди.

Муаммолар ижобий ечим топди

Янгиқўрғон шаҳри Фурқат маҳалласида яшовчи фуқаро Г. Қўчқорова Наманган шаҳри Уйчи кўчасида жойлашган «Сафо марва» савдо марказидан 245 минг сўмга рангли телевизор сотиб олган эди. Лекин уйига олиб келганида телевизор кўнгилдагидек кўрсатмади. Уни савдо марказига қайтариб олиб борганда эса сотувчи на телевизорни алмаштиришни, на пулини қайтариб беришни хоҳламади. Шундан сўнг харидор Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳудудий бирлашмасига ариза билан мурожаат этди.

Ҳудудий бирлашма мутахассисларининг аралашуви билан истеъмолчининг талаби қондирилди. Унинг телевизори янгисига алмаштириб берилди.

* * *

Наманган тумани Хўжақишлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи 2-гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси Э.Қурбонов туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига фойдаланган электр энергияси учун мунтазам равишда нафақасидан пул тўлаётганига қарамай, электр тармоқлари корхонаси 117679 сўм қарздор экани ҳақида огоҳлантириш хати юборганлиги ҳақида мурожаат этди. Жамият томонидан ушбу ҳолат ўрганилганда, туман электр тармоқлари корхонаси томонидан 700 киловат электр энергияси ортиқча сарфланган, деб нотўғри маълумот берилгани маълум бўлди.

Жамият мутахассисларининг иштирокида ушбу истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, унинг электр энергиясидан қарзи йўқлиги исботланди.

С.ОБИДХОНОВ,
У.МАНСУРОВА

ўлуғлайди

ҳолда фахрийлар билан ишловчи ходим тайинлангани ва жамғарма тузилгани ёдимга тушди.

Ва ушбу хайрли ишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан беихтиёр севиндим.

— Билим ва тажриба. Иккиси ҳам йиллар давомида машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилади. Фарқи шундаки, билимга аста-секинлик билан эришилади. Тажрибани эса устозлардан анча илдамроқ қабул қилиб олиш мумкин. Айтмоқчи бўлганимиз, сизни ҳам у ёки бу масалада йўқлаб туришибдими?

— Раҳматли отам айтар эдилар: ёшлик шундай елдиримки, қандай ўтиб кетганини сезмай қолишинг ҳам мумкин. Ёшинг бир жойга борганида ҳурмат-эътибордан айирмасин!

Шукр қиламанки, кимларгадир қўлимдан келса қўлимдан, қўлимдан келмаганда йўлимдан берган эканман. Ажрини бугун кўряпман. Нолимайман, тез-тез йўқлаб туришади. Мен сизга айтсам, ҳозирги раисимиз ўзимнинг шогирдим. Кўп йиллар бақамти бўлиб ҳамжиҳатликда ишлаган жойимиз бор. Ҳали-ҳануз баъзи масалаларга ечим топиш учун мен билан кенгшиб туради.

Мен буни табиий бир ҳол деб тушунаман. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Таъбир жоиз бўлса, ҳар раҳбар алмашганда, янгидан велосипед кашф этиш тўғри эмас. Бор тажрибалардан унумли фойдаланиб, уни ўзгарувчан давр талабларига мослаб иш давом эттирилган жойда тортиб бораётган аравангиз ҳадеса қумгами, лойгами ботиб қолавермайди.

Менимча, ишда энг муҳими, бу — холислик. У ёки бу масалага тийран ақл билан ёндашилса, муш-куллар ҳам осон ечимини топади.

— Инсон табиатан шунақа. Ўз меҳнат фаолиятида тоғни ағдариб ташлаган ёки аксинча, янгидан бошқа бир тоғни тиклаб қўйган бўлса ҳам, барибир кўнглининг бир чеккасида нималарнидир қилишга улгурмагандек ҳис-туйғудан изтироб чекади. Сизни шунга ўхшаш ҳолат безовта қилмаяптими? Агар шундай бўлса, бу безовталикдан қандай фориғ бўлмоқдасиз?

— Албатта, бундай ҳис-туйғудан ҳеч ким мустасно эмас. Хоҳ у раҳбар, хоҳ мутахассис, хоҳ оддий ишчи бўлиб ишлаган бўлсин, бир ва ҳатто бир қанча армонлардан қийналмай иложи йўқ. Бунинг энг яхши давоси, имкон берилганда, ундан унумли фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилиш. Ҳали ёшман — қаёққа ҳам шошардим, эртага ҳам кун бор-ку қабилида яшаш ҳеч қачон яхшиликка бошламайди. Дунёга келдингми, одамга ўхшаб ҳаёт кечириш керак. Ҳаётни эса ўзинг севган касб-ҳунарсиз, ишюмушсиз тасаввур этиб бўлмайди.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири устида жиддий изланишлар олиб борилаётганини эшитиб, тўғриси, жуда қувондим. Чунки мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлардим. Касаба уюшма тизимини такомиллаштириш — давр талаби. Зеро, меҳнаткашларни ҳимоя қиладиган ташкилотнинг вазифалари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳам келбатига яраша бўлмоғи айни муддаодир.

Кези келганда яна бир фикр. Менга қолса, раҳбарлар, шу жумладан, Марказий кенгаш раиси билан ёзма равишда шартнома тузиш лозим. Бу биз қураётган демократик, ҳуқуқий жамият тамойилларига жуда мос келган бўлур эди. Зеро, ҳар бир инсон қилаётган ишининг оқибатини олдиндан кўра билса, самарадорлик янада юқори бўлишига шубҳа йўқ.

— Энг муҳим савол: касаба уюшма етакчиси ва фаоли аввалambор қандай фазилатларни ўзида мужассам этган бўлиши керак?

— Ҳамма яхши фазилатларни! У аввалбоши инсонни севиши, меҳр-мурувватли бўлиши лозим. Ўз манфаатидан ўзгаларнинг манфаатини юқори қўйиш ҳам бирламчи шартлардан бири. Шуниси ҳам борки, юқоридаги фазилатларни ҳаётда намоён этиш учун касаба уюшма етакчисининг ўзи ҳақиқий инсон бўлиши талаб этилади. Табиат юқтирмаган ва шундай тарбия топмаган бўлса, йўл-йўлакай бу қадриятларни ўзлаштириш қийин.

Ҳазрат Навоийнинг мана бу мисралари айни биз учун аталган:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами...

— Музейлар, агар таъбир жоиз бўлса, жиҳозларда тош қотган тарих. Мана бугун сиз ана шундай қутлуғ маскан раҳбарисиз. Сизнингча, бу ерга келаётганлар маънавий озуқа олишяптими? Ташриф уларга ўзларини англашда кўмаклашяпти, деб ўйлайсизми?

— Инсоният ўз тарихини билмай туриб, бир қадам ҳам илгарилай олмайди. Илгариласа ҳам бир қатор янглишишлар азобини бошдан кечиришга мажбур бўлади. Айнан шунинг учун ҳам тарих — келажакка қўйилган тамал тоши дейишимиз мумкин.

Шу маънода айтишим мумкинки, ўсиб келаётган авлодни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги босқичма-босқич ривожланиш тарихи билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти ташаббуси билан пойтахтимизда «Алоқа тарихи музейи» ташкил этилганлиги айни муддао бўлди.

Бу ерда жамулжам этилган осори-атиқаларни қалбан ҳис қилиш учун, албатта, ташриф буюриш даркор. Авлод-аждодларимиз хат-хабарларни қандай қилиб манзилга етказгани, ҳар хил хавф-хатардан огоҳ этиш бўйича қандай воситалардан фойдаланганидан тортиб, замонавий техникаларга қадар шу ерда мужассам. Музей ходимлари томонидан алоқа соҳасининг бой тарихи ва меросини ёш авлодга етказиш, бу борадаги тушунча ва тасаввурларни бойитиш ҳамда уларнинг шуурида соҳамизга қизиқишни мустаҳкамлаш мақсадида олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари, шунингдек, мактаблар билан ҳамкорликда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Музей очилганидан буён 13 мингдан зиёд ташрифчилар музей экспонатлари билан танишдилар. Улар орасида нафақат ўқувчи ва талабалар, хорижлик меҳмонлар ҳам борлиги кишида фахр-ифтихор туйғуларини жунбушга келтиради. Демакки, қизиқиш бор, демакки, эҳтиёж бор. Бинобарин, хизмат ҳам, фаолият ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим.

Биз, одатда, тарихга муносабатни шакллантириш тўғрисида кўп гапирамиз. Аслида буни одамларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром руҳини сингдириш орқали амалга оширган тўғрироқдир. Токи ортимиздан келаётган авлод катталарда осойишта ва айни вақтда ҳаётга иштиёқи сўнмаган ўзларини кўрсинлар. Шундагина биз саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади, дея ўзимизга тасалли беришимиз мумкин бўлади.

Суҳбатдош:
Зайниддин РИХСИЕВ

Китобингизни ўқидим



«...Пастда, қир этагидаги ажриқ қоплаган уватда ёнбошлаб ётган кўйи «осмонбеги»нинг ҳаракатларини кузатаётган норғул йигитнинг хаёлидан бир савол «лип-лип» ўтаверди: бургут нега йиқилиб тушмайди?...».

Дарҳақиқат, халқ таъбири билан айтганда, «томирида бор» ижодкор оламни идрок қила бошлаган давриданоқ адоқсиз саволлар қуршовида қолади ва ҳар бир саволга жавоб топганида, унга қалб кўрини қўшиб оққа кўчирганида том маънода бир пиллапоя юқорилайди. Унинг кўнглини чексиз уммонга қиёсласак, бу уммон тўлқинларида ҳар ким ҳар хил суврат кўради. Ўқувчини бирдек завқлантира олиш, ўқиётган асари таъсирида яшаш, энг муҳими, чинакам маънавий озуқа бериш эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Ургутнинг «бургут»и

улар билан бирга яшайсиз. Унинг яқинда чоп этилган («Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2011) «Сайланма»сидан ўрин олган ҳикоя, қисса ва бадиаларини ўқир экансиз, секин-аста тафаккур уммонига ғарқ бўласиз. Беғубор дамлар кўз олдингизда жонланади. Бу борада Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум ижодкор Пиримқул Қодиров китобга ёзган сўзбошида шундай таъкидлаганди:

«...Баланд тоғлар остида»ни ўқиётганда кўз олдимда бошқача — менга жуда-жуда қадрдон манзара — болалигим келиб кетди. Ўратепа тизма тоғлари этагидаги Кенгқўл деган мўъжазгина қишлоқ қирларида қўй боқиб юрган йиллар эсимга тушди. Раҳматилла билан Тўрақўлнинг ноёб гулни қидириб музқояга бориши, ғор остидаги ғаройиб саргузаштлари ҳам хаёлимда ўрнашиб қолди. Ўзим ҳам уларга қўшилиб дараларни, чангалзор-чакалакларни кезгандек бўлдим. Юрагим ҳаприқиб, энтикиб, соғиниб эсладим — шундоққина кўз олдимга келди, ҳаммаси».

Адибнинг кузатувчанлиги, айниқса, бадиаларида яққолроқ намоён бўлади. «Буни ҳаёт дейдилар», «Яхшилик ғолибдир», «Тоғ гули», «Ҳайқириқ», «Учрашув» ва китобдан ўрин олган бошқа бадиаларни ўқиб, қаҳрамонларининг характерини шу қадар яхши билиши, улар орқали халқ ичига кириб бориб, турмуш тарзини ўрганиб, ёритиши ҳар бир ўқувчи тафаккур доирасини бойитади.

Адибнинг ютуғи шундаки, у воқеаларни баён қилмайди, аксинча, худди бир филм каби кўрсатади. Китобхон ўзига керакли нарсани ўзи топиб олаверади. Бу китоб «Сайланма»нинг 1-жилди. Демак, ҳали бундай сермазмун, таъсирчан ва теран фикрлашга ундовчи ижодий намуналарнинг давоми бор. Бу биз каби ёш ижодкорлар учун маҳорат мактаби бўлиши шубҳасиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан соҳа ходимларининг саломатликларини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишга қаратилган тадбирлар мунтазам равишда уюштириб келинмоқда.

Яқинда Нукус олимпия захиралари коллежи спорт базасида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда тиббиёт ўқув юртлари ходимлари ва талаба-ёшларнинг саккизинчи республика спартакиадаси ташкил қилинди.

Тиббиётчилар беллашуви

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан уюштирилган спартакиадада иштирокчилар спортнинг стол тенниси, дартс, армрестлинг, енгил атлетика, кураш, тош кўтариш ва арқон тортиш турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали биринчи, 1-Нукус тиббиёт коллежи иккинчи, 2-Нукус тиббиёт коллежи жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, кенгаш томонидан туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари меҳнат жамоалари ўртасида ҳам республика спартакиадаси ташкил қилинди.

Спартакиада спортнинг стол тенниси, дартс, армрестлинг, стритбол ва арқон тортиш турлари бўйича ўказилди.

Қизғин баҳслардан сўнг биринчи ўрин Кегейли туман тиббиёт бирлашмаси, иккинчи ўрин Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси, учинчи ўрин Мўйноқ туман тиббиёт бирлашмасига насиб қилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Лиза БОЙБЎСИНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

Урганч давлат университети спорт мажмуасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари ўртасида Республика спартакиадаси минтақавий мусобақалари бўлиб ўтди.

Кучлилар аниқланди

Унда қорақалпоғистонлик ва хоразмлик касаба уюшма ходимлари спортнинг беш тури — мини футбол, стол тенниси, енгил атлетика, шашка, шахмат бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Касаба уюшмалари нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, балки ходимларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш ишлари билан ҳам бевосита шуғулланади, — дейди Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов.

Баҳсларда мини футбол бўйича Хоразм жамоасининг қўли баланд келган бўлса, шахмат-шашка мусобақаларида Қорақалпоғистон вакиллари ўз устунлигини намойиш қилди. Стол тенниси ғалаба эркаклар ўртасида хоразмлик Хусниддин Нуруллаевга, аёллар ўртасида қорақалпоғистонлик Марина Тенга насиб этди. Енгил атлетикада эркаклар ўртасида қорақалпоғистонлик Спартак Ниёзов, аёллар ўртасида хоразмлик Санобар Ибодуллаева юқори натижага эришдилар.

Рустам ЮСУПБОЕВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкилий ишлар бўлими мудири

Чирчиқ шаҳрида жойлашган Олимпия захиралари спорт коллежида 1-Республика мини футбол турнири бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақада барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 14 жамоа (110 нафардан ортиқ вакил) иштирок этди.

Муҳими ғолиблик эмас

Қизғин кечган баҳслар натижасига кўра, Тошкент вилояти вакиллари ғолибликни қўлга киритган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига кумуш медаллар, Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган соҳа ходимларига эса 3-ўрин насиб этди.

— Бу турнир барчамизга бирдай кўтаринки кайфият, жисмоний ҳамда руҳий тетиклик бахш этди, — дейди Навоий вилояти вакили, «Энг яхши ҳужумчи» номинацияси ғолиби Миржон Хушбоқов. — Юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ҳамкасбларимиз билан дилдан суҳбат қурдик, фикр алмашдик. Яратилган шароитлар ҳам ажойиб.

— Менимча, муҳими ғолиб бўлиш эмас, муҳими — саломатлигимизнинг мустаҳкамланганлиги, янги дўстлар орттирганимиз, — дейди Бухоро вилояти вакили, «Энг ёши улуғ қатнашчи» номинацияси ғолиби Нуриддин Рўзиев. — Барчамиз соғлиқни сақлаш ходимларимиз. Шундай экан, аввало, ўзимиз соғлом бўлишимиз лозим. Бундай турнирлар давомли бўлади деган умиддаман.

Ғолиб ва иштирокчиларга ташкилотчиларнинг кубок, медал ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

А.АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси аёллар ўртасида «Саломатлик» тармоқлараро спартакиадасини ташкил этди.

Тармоқлараро спартакиада

35 ёшгача аёллар ўртасидаги стол тенниси мусобақасида Фотима Қосимова, 35 дан юқори ёшдагилар ўртасида Гулнора Шарофова, енгил атлетикада Ойша Хайруллаева ва Дилобар Раҳмонова, шашкада Замира Нуруллаева ғолибликка эришди. Жамоавий стритбол ҳамда волейбол ўйинларида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоалари биринчи бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши спортчи аёллари ғолибликка эришди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллигига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Совриндорларга диплом, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 14 май, шанба куни чиқади.

Кўрик-танлов

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши тармоқ ходимларини бадиий ҳаваскорлик жамоаларига кенг жалб қилиш орқали уларнинг бўш вақтларини сермазмун ва қизиқарли ўтказишларини таъминлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, вилоят таълим муассасалари ходимлари иштирокидаги «Истеъдод соҳиблари» кўрик-танлови халқимизнинг ўзига хос удумлари, маданият ва маънавиятини тарғиб этиш баробарида, вилоят кенгаши қошида ташкил этиладиган бадиий ҳаваскорлик дастаси ижодкорларини танлаб олиш имконини берди.

Санъатга ошуфта кўнгиллар

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган якуний босқич иштирокчилари 7 йўналиш бўйича иқтидорларини намойиш этишди. Дилтортар куй-қўшиқлар, гўзал рақслар ва саҳна кўринишлари ижрочиларини баҳолаш ҳакамлар ҳайъатига осон бўлмади. Айтиш мумкинки, бунда уларга томошабинларнинг олқишлари ёрдам берди. Тўпланган балларга кўра эстрада қўшиқчилиги бўйича Зангиота туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси Вахобжон Ахунов биринчи бўлган бўлса, миллий созандачиликда чинозлик Нурали Асқаралиев етакчилик қилди. Рақс санъатида Олмалиқ шаҳар Болалар ижодиёт маркази ўқитувчилари Виталий Кан ҳамда Клара Махсумджанова, бадиий сатирик театрлаштирилган кўринишда Юқоричирчиқ туманидаги 14-мактаб жамоаси вакиллари, бадиий сўз устаси йўналишида ҳам шу тумандаги ўқувчилар ижодиёт марказининг тўгарак раҳбари Руслан Яров, адабиёт соҳасида Паркент туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси Назокат Хусанова ҳамда ҳужжатли филм йўналишида Пискент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Дилноза Комилжонова биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Эътиборли жиҳати, иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ топилганлар ҳам диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди. Ғолиблар вилоят кенгаши қошида фаолият юритадиган бадиий ҳаваскорлик дастаси таркибига киритилиб, ташкил этиладиган маданий тадбир ва байрам тантаналарида бевосита иштирок этади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Хотира ва қадр

Жасорат ва матонат йўли

Авлодлар камоли йўлида фидойилик билан хизмат қилган аждодларимиз ҳамиша эъзозда. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, кўнглини шод этиш энг гўзал қадриятлардан ҳисобланади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёт давлат корхонаси касаба уюшма қўмитаси ташаббусига кўра, фахрийлар иштирокида «Хотира — муқаддас, қадрлаш — инсоний бурч» номли байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида нашриёт директори Акмал Инанбабаев ташкилотнинг ривожланишида муносиб ҳисса қўшган устозларни қутлар экан, жумладан, шундай деди:

— Сизлар босиб ўтган йўл жуда катта жасорат ва матонат йўли, ҳаётингиз биз учун ибрат мактаби. Суҳбат ва ўгитларингиз келажак йўлимизни ёритгувчи чироқ ҳисобланади.

Фахрийлар бир-бирларини кўриб, суҳбатлашишдек имконият яратганлиги учун нашриёт жамоасига ўзларининг чуқур миннатдорчилигини билдиришди.

Таъкидлаш жоиз, «Адолат» нашриёти мустақиллигимизнинг илк йилларидан Кодекслар, уларга шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, бадиий-ҳуқуқий адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва ҳуқуқшуносликка оид қатор адабиётларни нашр этиб келмоқда. Нашриёт фаолияти давомида 600 га яқин номдаги қарийб 7 500 000 нусхада ҳуқуқий адабиётларни чоп этиб, нашриёт соҳасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Эъзоз

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Унутмоқ осонмас сизларни» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилал жангчилар ҳамда меҳнат фахрийлари, шунингдек, университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этишди.

Талабалар томонидан тайёрланган мусиқий чиқишлар, саҳна кўринишлари, видеороликлар барчага бирдай манзур бўлди. Айниқса, элимизнинг улуғ маърифатпарвари Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб «Падаркуш» драмасининг талабалар томонидан профессионал даражада ижро этилгани кўпчиликни лол қолдирди.

Байрамда Республикамиз қуролли кучлари ансамбли, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳарбий оркестри ва элимизнинг таниқли санъаткорлари иштирок этиб, даврага ўзгача файз киритдилар.

Ўз мухбиримиз

Кўргазма



Умилад қолинган сония

Акс — бу ўз қиёфангни, атрофингдаги манзараларни кўра олиш, ҳис этиш имкони. Аксарият ҳолларда бизга бундай имкониятни фоторассомлар ижоди тақдим этади. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент фотосуратлар уйида ташкил этилган кўргазмада ҳам ана шундай ёрқин ҳаёт манзаралари билан танишиш имконига эга бўласиз.

Вақт ва макон тасвири, ўтаётган лаҳза қадри, ёнингиздаги одамларнинг турмуши, хотира қатларида қолган, сиз соғинган туйғулар ҳақида сўзловчи мазкур фоторасмларнинг муаллифи асосан ёшлар бўлиб, ундан етмишга яқин ижодий ишлар ўрин олган.

Жумладан, Анвар Кировнинг «Қишки ёмғир», Евгений Мусиченконинг «Қорли қучоқ», «Биллур товуш», Жаҳонгир Алихоновнинг «Уйқудаги дарахтлар» номли расмларида табиат манзараларининг йил фаслларига ҳамоҳанг товланишлари нафақат дарахт, балки биргина япроқ ҳолатида ҳам кишида қандайдир кечинмалар уйғотса, Наталя Журавлеванинг «Лола», «Ёлғизлик», Шавкат Тоировнинг «Ғайрат», Яна Софронюкнинг «Номсиз» туркуми ҳамда Элвира Абдураззоқованинг «Бизнинг таиландча таътил» туркумлари ғоят эркин ва анъаналардан холи ҳолдаги кўринишлар билан ажралиб туради. Туғилиб ўсган гўшага, унинг содда, беғараз кишиларига нисбатан меҳр кўринишлари эса ёш фоторассом Назира Боймуродованинг суратларида устунлик қилади. Унинг «Бекаликка тараддуд», «Келажакка йўл», «Оққўрғон тонглари» каби расмлари қир-адирлар, дала ва яйловларнинг бетакрор манзараларини армуғон этади.

Тўққизинчи маротаба ўтказилаётган мазкур фотокўргазмага ижодий ишларини қўйган ёшлар изланмаларини кўриб, машҳур ёзувчининг «Сония, тўхта! Сен гўзалсан!» таърифи ёдга тушади. Дарҳақиқат, бу ижодкорлар асарларини томоша қилар экансиз, сонияни мангуга муҳрлаш санъатидан бахраманд бўласиз.

Наргиза АСАДОВА

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay’ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
T. Shernayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Bosishga topshiriш vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00
ЎзА якуни - 19.45

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

2345